



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 12 август, № 158 (6341) Чоршанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ЭЪТИРОФ



Илгари хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллик байрами арафасида хорижий мамлакатлар жамоатчилиги вакиллари юртимиз аҳлини ушбу қутлуғ сана муносабати билан чил дилдан табриклашмоқда. Улар Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йиллари давомида кўлга киритган муваффақиятларига юқори баҳо бермоқда. Бу эса мамлакатимиз танлаган тараққиёт йўлининг халқаро миқёсда эътироф этилаётганидан ҳамда жаҳон ҳамжамиятида ислохотларнинг "Ўзбек модели"га нисбатан қизиқишининг катта эканлигидан далолат беради.

Бернадет Рейнженс:

«Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бундан ҳам юксак чўққиларини забт этади»

Жумладан, Бельгияда нашр этиладиган "Diplomatic World" журнали бош муҳаррири Бернадет Рейнженс "Жаҳон" ахборот агентлиги муҳбири билан бўлиб ўтган мулоқот чоғида куйидаги фикр-мулоҳазаларини баён этди:

— Ўзбекистон кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш йўлида салмоқли тараққиётга эришди. Тарихан қисқа давр ичида ўзбек халқи ҳаётида улкан ижобий ўзгаришлар рўй берди. Мустақиллик шарофати билан республика ўз тараққиёти йўлида ниҳоятда катта қадамларни ташлади. Мамлакатда улкан ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилди, демократик ислохотлар ҳаётга изчил татбиқ қилинмоқда, жамият ҳаётининг барча соҳасида либераллашув ва модернизациялаш жараёнлари давом этаёпти.

Мен ўтган йилнинг декабрь ойида мамлакатнигизга биринчи марта бордим. Шунга қарай эътиборимиз, Ўзбекистонда суверен ривожланиш йиллари давомида демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо қилиш йўлида катта яратувчанлик ишлари амалга оширилибди.

Мамлакатингиз аҳолиси 24 йил мобайнида эришилган муваффақиятлар, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ислохотларнинг натижалари ҳамда институционал ўзгаришлар билан ҳақли равишда фахрланса арзийди. Албатта, хали олдинда кўп ишлар ту-

рибди. Бироқ юртингиз улкан салоҳиятга эга бўлгани боис республика бундан-да катта тараққиёт ва фаровонликка эришишига асло шубҳа қилмайман.

Ўзбекистон, унинг тарихи, бой маданияти ва анъаналарига ошувга бўлиб қолганман. Самарқандга сафар қилганимда нафақат ўзбек халқининг, балки бутун жаҳон цивилизациясининг фахри ҳисобланган бу афсонавий шаҳарни ўз кўзим билан кўрганимдан катта қониқиб қиссини туйдим.

Мамлакатингизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан буён бой тарихий меросни ўрганиш ва қайта тиклаш, уни келгуси авлодлар учун авайлаб асраш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мен юртингизда бўлган кунларим ўрта асрнинг буюк алломалари, жумладан, бутун дунёга машҳур, буюк олим ва мутафаккир Мирзо Улугбек яшаб ижод қилган юрт билан яқиндан танишганимдан беҳад қувондим.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги байрами арафасида ўзбек халқига, шу жумладан, диёрингиз бўйлаб сафарим чоғида танишишга муяссар бўлган дўстларимга ўзимнинг энг эзгу тилакларимни изҳор этишни истар эдим. Ишончим комилки, Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бундан ҳам юксак чўққиларини забт этади.

«Жаҳон» АА. Брюссель



24 йил

ЗАМОНАВИЙ ДАСТГОҲЛАРНИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР БОШҚАРАДИ

Енгил саноат иқтисодиётимизнинг жадал ривожланаётган муҳим соҳаларидан биридир. Зеро, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб амалга оширилаётган ислохотлар туфайли ушбу тармоқ нафақат янгилади, балки сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтарилди.

■ ХУДУДИЙ ДАСТУР ИЖРОСИ

Биргина Жиззах вилоятида сўнгги икки йил ичида етиштирилаётган пахта толасини қайта ишлаш ҳажми 9,5 фоиздан 36,5 фоизга етказилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Бундай натижага эришишда 2013 — 2016 йилларда вилоят саноати

салоҳиятини ривожлантириш дастурига биноан, умумий қиймати 522,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 400 дан ортиқ истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш белгилангани, ҳозирги кунга уларнинг аксарияти рўёбга чиқарилгани муҳим омил бўлаётди.

"Jizzax Plasteks" масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай истиқболли лойиҳалар мевасидир. Гап шундаки, 2013 йили собиқ пайпоқ тўқиш фабрикаси негизда ташкил этилган мазкур корхона ривожланиш йўлида дадил одимламоқда. Бу ерда меҳнат қилаётган 800 нафар ишчи томонидан дастлабки йилнинг ўзидаёқ 12 минг тонна пахта толаси қайта ишланган, тайёр маҳсулотнинг асосий қисми экспорт қилинган ана шундан далолат беради.

(Давоми 2-бетда).

Маҳалла — ислохотларнинг фаол иштирокчиси

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрами тобора яқинлашиб келаётган шу кунларда "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистони!" шiori остида "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" кўрик-танловининг худудий босқичлари юқори савияда ўтказилмоқда.

■ КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Танловнинг Нукус шаҳрида бўлиб ўтган Қорақалпоғистон Республикаси босқичида таъкидланганидек, Президентимиз раҳнамолигида маҳалла институти янада ривожлантириш ҳамда тўпланган илғор иш тажрибаларини ўрганиш ҳамда оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу танлов доирасида 15 та фуқаролар йиғини учта шарт асосида ўзаро баҳс олиб борди. Яқунда биринчи ўринни Амударё

туманидаги "Қитой" овул фуқаролар йиғини эгаллади. Кейинги ўринлар эса Шуманай туманидаги "Айбўйир" ҳамда Чимбой туманидаги "Гужемли" маҳалла фуқаролар йиғинларига насиб этди.

— Оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар сифатида тарбиялашда, жамият ҳаётида аҳиллик, тотувликни таъминлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳамияти беқийс, — дейди голиб фу-

қаролар йиғини раиси Давлатбой Атажанов. — Хусусан, 3400 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилаётган овулимизда ана шу жиҳатларга эътибор қаратилмоқда. Худудимизда тadbirkorлик, қасаначилик, хунармандчилик фаолияти билан шуғулланаётган оилалар кўп. Уларнинг кўмагида худудимизни янада обод қилишга астойдил ҳаракат қилаёلمиз. Ҳакамлар фаолиятимизни баҳолашда бунга алоҳида аҳамият беришди. Биз нафақат голиб бўлдик, айни чоғда илғор иш тажрибаларини ўргандик. Бу эса истиқболда фаолиятимизни яна бир поғона кўтаришимизда кўл қелишига ишонаман.

(Давоми 2-бетда).

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Бундан бир неча йил аввал нотўқима материаллар тайёрлаш йўналишида иш бошлаган "Мергантекс" масъулияти чекланган жамияти бугунги кунга келиб нафақат Олот тумани, балки Бухоро вилоятидаги энг йирик корхоналардан бирига айланди.

Экспорт имкониятлари янада кенгайди

Кичик бизнес субъекти ўз фаолиятини кенгайтириш эъзаига экспорт салоҳиятини ошириб бормоқда. Чунки, жорий йилнинг ўтган даврида у 2 миллион АҚШ долларидан зиёд маҳсулотни хорижлик буюртмачиларга етказиб берди. 168 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилаётган жамоада яна бир янги лойиҳани амалга оши-

ришга тараддуд қўрилаяпти. "Мергантекс" негизда қиймати 6,5 миллион АҚШ долларига тенг замонавий тўқув фабрикаси барпо этилмоқда. Бу ерда мато ишлаб чиқарилибгина қолмай, ундан эркаклар кўйлаги ҳам тикилади. Бу эса корхонанинг экспорт имкониятларини янада кенгайтиради.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Муқобил энергия асосида ишлайди

Учкудуқ тумани маркази аҳолисини иссиқ сув билан таъминлашга қаратилган янги лойиҳа амалга оширилди.

Янги гидроиншоотга 20 та гелиоколлектор ўрнатилди. Бу эса қуёш энергияси ёрдамида иссиқ сув олиш имкониятини яратди.

Шунингдек, тумандаги Навоий кон-металлургия комбинати тасарруфидоги "Даугизтоғ" қонида ҳам муқобил энергиядан фойдаланиш учун 75 дона қуёш гелиоколлектори ўрнатилиб, ишчилар ошонаси ва ётоқхона биноси тўлиқ иссиқ сув билан таъминланди.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Буюртмалар ҳажми ошмоқда

Гулистон шаҳридаги "Guliston Paket Impreks" масъулияти чекланган жамиятида ўн турдаги пластик қадоқлаш воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

Хозир ойига 50-60 миллион донгача маҳсулот тайёрлаёلمиз, — дейди жамият раҳбари Баҳодир Худойқулов. — Уларнинг сифатли ҳамда таннархи арзон бўлишида замонавий технология ва маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланаётганимиз кўл келмоқда. Шу боис буюртмачила-

римиз ҳам йил сайин кўпайиб бораётди.

Яқинда корхонага банк томонидан 150 миллион сўм кредит ажратилди. Натижада бу молиявий кўмак "Guliston Paket Impreks"да ишлаб чиқариш ҳажминини икки баробар ошириш имконини яратди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Фермернинг янги қурилмаси

Яккабоғ туманидаги "Яккабоғ беги" чорвачилик фермер хўжалигида маҳаллий чиқиндилардан биогаз ажратиш олишга мўлжалланган лойиҳа амалга оширилди.

Маълумки, биомасса ҳавосиз муҳитда 45-50 даража иссиқликда қиздирилганда, ундан 70 фоизгача метан гази ажралиб чиқади. Бундай энергия захира-сидан фермер хўжаликлари учун электр энергияси ишлаб чиқариш, сув иситиш, мева-сабзавотларни қури-тиш мақсадларида фойдаланиш мумкин.

— Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 40 минг АҚШ долларлик махсус қурилма олиб келиб ўрнатдик, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Миртемир Ёров. — Унинг ёрдамида 1 тонна ўсимлик қолдигидан ўртача 40 куб метргача метан гази олаёلمиз. Келгусида ушбу муқобил энергия манбаидан электр энергияси ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз. Муҳими, истиқболли лойиҳамиз орқали атроф-муҳит мусавволигини таъминлашга ҳам ўз ҳиссамизни қўшаёلمиз.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда махсус ташкил этилган индустриал зоналарда умумий қиймати

16,1

миллион АҚШ долларлик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди.

Натижада юртимизда тикув машиналари, автомобиль тормоз колодкалари, метизлар, металл профиллар, полипропилен қувурлар, фитинглар, вентил ва аксессуарлар, шунингдек, бактериялар ва вирусга қарши дори препаратлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

БИР РАҚАМ ШАРХИ



ПАРЛАМЕНТ ХАЁТИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Шуларга ҳамроҳликда юртимизда Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича миллий ҳаракатлар режаси, Атроф-муҳит гигиенаси бўйича миллий ҳаракатлар режаси, Биохимия-миллини сақлаш миллий стратегияси ва ҳаракатлар режаси, Чўлланшиш ва кўроқчилик билан курашиш бўйича миллий ҳаракатлар режаси ҳаётга татбиқ этилмоқда.

казий Осиё давлатларининг Оролни кўтариш халқаро жамғармаси ташкил этилди. Бир авлод умри давомида йўқолиб бораётган ушбу денгиз муаммоси ва Оролбўйи аҳолиси генофонди ҳамда саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий-иқтисодий аҳолини яхшилаш, экологик ҳолатини барқарорлаштириш бўйича давлатимиз томонидан биргина сўнгги 6-7 йил ичида 2 млрд. АҚШ долларига тенг миқдорда чоратадбирлар рўйбга чиқарилди.

булкул тўхтатилди. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилган туб ислохотлар натижасида фақат сўнгги бир неча йилда 1 миллион 700 минг гектар суғориладиган ерларимизнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, ҳосилдорлик бирнумча ошди.



ЗАМОНАВИЙ ДАСТГОҲЛАРНИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР БОШҚАРАДИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Корхонамиз цехлари Германия ва Италиядан келтирилган 126 та ип йигириву ва 60 та тўқув дастгоҳи билан жиҳозланган, — дейди унинг бош муҳандиси Нишонбой Бозоров. — Бу замонавий дастгоҳларни эса малакали кадрлар бошқармоқда.

мазкур кўрсаткич 30 миллиард 227 миллион сўмликни ташкил этди. Ишлаб чиқарилаётган калава ип ва трикотаж матолатларимизга Япония, Жанубий Корея, Бельгия, Латвия, Бангладеш, Малайзия, Польша каби мамлакатларда талаб тобора ортмоқда.

лига яна 12 минг тонна пахта толасини қайта ишловчи цех фаолияти йўлга қўйилди. Фақат хориздан қўшимча дастгоҳларни олиб келиб ўрнатish ишлари қолган, холос. Ушбу лойиха амалга оширилган, яна 180 нафар жисзахлик йигит-қиз иш билан таъминланади.

Тождидин ҚАМАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳосан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Август ойи пахта ривожиди, ҳосил тўплашда ҳал қилувчи фаслдир

Ғуза — меҳр талаб экин. Сабаби, у деҳқоннинг ҳар бир ниҳолга қалб кўри, кўз нурини бериб, қилган фикдорона меҳнати туғайли барваж ривожланади ва қимматли ҳосил тўплайди.

гектарига беш-олти тоннадан мўлжаллаб маҳаллий ўғит билан тўлдирганимиз қўл келаяпти.

Асад суви: ЭКИНГА МАДОР, ХИРМОНГА БАРАКА

Шу маънода, «Халқ сўзи» газетасининг 30 июль сонидида «Август ойи пахта ривожиди, ҳосил тўплашда ҳал қилувчи фаслдир» сарлавҳаси остида чун этилган мутахассис тавсияларни биз, сувчилар учун ҳам айтиш мумкин бўлди.

тараш пайдидан бўлаяпмиз. Натижада экин қониб сув ичиб, кун сайин ривожланмоқда: шоналар гулларга, гуллар кўсақларга айланмоқда. Айни шу кунларда ҳар тўп ғузада 15-20 та тўқ кўсақ бор.

узойса, обихаётнинг иссиқда буғланиб кетишининг олди олиниши эвазига катта миқдорда бебаҳо неъмат тежалади. Бундан ташқари, «шарбат»га тўйган ғуза кўсақлари бўлиқ, пахта толаси эса майин ва сифатли бўлиши ўз исботини топган.

Дарҳақиқат, асадда таралган сув — ғуза учун бамиоси қон. У экин илдиэларига етиб, жон бағишлагани эса мазкур тадбирнинг нечоғли сифатли баҳарлишига боғлиқ.

Аслида, тахрибли ай суви ҳосил гамини анча аввалдан кўради. Ғуза майдонларига ўқариқларни макбул масофада, кўнгиладигдек қилиб тортади. Ана шунда ҳарорат нисбатан юқори келган об-ҳаво шароитида ҳам экин қониб сув ичади.

Суви эътибор қаратиши зарур бўлган яна бир жиҳат борки, у ҳам бўлса, зинҳор ғузани суғоришда қўлаб кетишига йўл қўймаслик керак. Чунки қўлаб қолган эгатдаги сув иссиқда экин илдиэига салбий таъсир кўрсатиб, ҳосил нишонларини ташлаб юбориши, ғуза фақат бўйига ўсиб, говаб кетиши мумкин.

Дилмурод СОДИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Маъруф ШАРИПОВ, суви, Сурхондёр вилояти

Ҳаётимиз кўрки, хонадонимиз файзи

Пойтахтимизда «Кексаларни эъозлаш йили» Давлат дастури ижросига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

2015 йил — КЕКСАЛАРНИ ЭЪОЗЛАШ ЙИЛИ

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёши улуг инсонларга ҳурмат, эҳтиром ва ғамхўрлик кўрса-

тиш, уларнинг ҳаётини янада яхшилаш, саломатликларини мустаҳкамлаш, шунингдек, моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлаш ишлари-

га катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, жорий йилнинг юртимизда «Кексаларни эъозлаш йили» деб номлангани ва шу асосда Давлат дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга илчил татбиқ этилаётгани бу борадаги ишлар самардорлигини оширишга хизмат қилайтир.

муассасалари ўқувчи ва талабаларидан иборат ёшлар гуруҳи кексаларимиз ҳолидан хабар олиб, уларнинг ўғитларидан баҳраманд бўлишаптир.

Бундан ташқари, марказ томонидан нурунийларни эъозлаш, кадр-қимматини янада юқори кўтаришга қаратилган тарғибот-ташвиқ ишлари олиб борилаяпти. Хусусан, «Кексаларга меҳр-оқибатли бўлайлик», «Шўқроналик — саодатимиз рамзи», «Ватан останада бошланади», «Кексаларни эъозланган юрт» номли буклетлар тайёрланиб, маҳаллар, таълим муассасалари, ташкилотларга тарқатилди. Шунингдек, 20 номда

Маҳалла — ислохотларнинг фаол иштирокчиси

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Бугунги кунда Фарғона вилоятида 1039 та фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи самарали фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан жойларда маънавий муҳит барқарорлигини, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она-Ватанга ҳамда миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, фуқаролар ижтимоий фаолигини юксалтириш, миллий ва маънавий қадриятларни асраб-авайлаш борасида комплекс ишлар амалга оширилмоқда.

новдан ўтказилди. Пировардида эса Тошлоқ туманидаги «Тошлоқ» шаҳарча фуқаролар йиғини биринчи ўринчи қўлга киритди. Кейинги йиллар ўзбекистон туманидаги «Яктут» ва Олтиарқ туманидаги «Полосон» маҳалла фуқаролар йиғинларига насиб этди.



СУРАТДА: кўрик-танловнинг Қашқадарё вилояти босқичи ғолиблари.

Кўрик асосида ана шундай ютуқ ва натижаларга эришган ҳамда танловнинг туман (шаҳар) босқичларида биринчи ўринни эгаллаган 19 та фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи ғолиблик учун баҳс олиб борди.

Иштирокчилар фаолиятига баҳо беришда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маҳаллани тadbиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш борасидаги ютуқ ва натижаларга алоҳида эътибор қаратилди.

ижтимоий шериклик муносабатларини бундан-да кенгайтириш бўйича баҳарлиҳатдан чора-тадбирлар ҳақамилар ҳаёти томонидан чуқур ўрганилди.

кўрсатиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби эзгу ишларни амалга ошириш йўлида самарали хизмат қилиб келаётганига эътибор қаратилди.

ринчи ўринга лойиқ, деб топилди. Кейинги ўринларни Қасби туманидаги «Хўжақасби» маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда Китоб туманидаги «Севаз» қишлоқ фуқаролар йиғини жамоалари банд этди.

Сирдарё вилояти босқичида ушбу кўрик-танлов жойларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллий қадриятларини кенг тарғиб қилиш, оила институтини янада мустаҳкамлаш, жойларда аҳоли, энг аввало, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, жамиятда маҳалла институтининг ўрнини кенгайтириш, нуфузини янада ошириш бўйича ўзаро таъриб-амаллашиш мактаби сифатида тобора муҳим ўрин тутаётгани таъкидланди.

Вилоятдаги мавжуд 333 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи жойларда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотларда фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ёшларни ҳар жиҳатдан барқарор қилишга ваътада қўллаб-қувватлаш, маҳалла аҳолининг ҳар жиҳатдан ривожланишига хизмат қилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳидоят АХМЕДОВ, Набижон СОБИЕВ, Ойбек РАҲИМОВ, Аҳмад МУҲАММАДИЕВ, Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА

Тайваннинг смартфон ва планшетлар ишлаб чиқарувчи "HTC" компанияси иш ўринлари ҳамда савдога қўйилаётган моделлар миқдорини камайтиради.

Рақобатни энгиб ўтиш режаси



Ушбу ислохот юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали "Samsung" (Жанубий Корея) ва "Apple" (АҚШ) компаниялари билан муносиби рақобатга киришиш мақсадида амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда мазкур компаниянинг жаҳон бозоридagi улуши қисқариб бормоқда. Бунда нафақат "Samsung" ва "Apple", балки арзон смартфонлар етказиб берувчи Хитой компанияларининг ҳам таъсири бор.

Мўмай даромад кўрди

Жорий йилнинг иккинчи чорагида АҚШнинг "Time Warner" медиаконцерни даромади 8,2 фоиз ўсди.



лион долларлари соф фойдадир. Утган йилнинг ушбу чорагида "Time Warner"нинг фойдаси 850 миллион долларни ташкил этган эди.

Яъни у мазкур даврда 7,35 миллиард доллар миқдоридa маблағ ишлаб олди. Шундан 971 мил-

лион долларлари соф фойдадир. Утган йилнинг ушбу чорагида "Time Warner"нинг фойдаси 850 миллион долларни ташкил этган эди.

Ўғингарчилик келтирган талафот

Чили шимолида кучли ўғингарчилик туфайли содир бўлган сув тошқинлари оқибатида беш киши ҳаётдан кўз юмди.



Табиат ҳодисаси туфайли Антофагаста ва Токопилья туманларига энг кўп зарар етгани айтилмоқда.

Шу боис ҳукумат мазкур ҳудудларда фавқулодда ҳолат жорий этган. Айни пайтда бу ерда юз минг нафар маҳаллий аҳоли вакили электр таъминотидан узилиб қолган.

Табиат ҳодисаси туфайли Антофагаста ва Токопилья туманларига энг кўп зарар етгани айтилмоқда.

Битим келаси йил имзоланади

Финляндиянинг "Nokia" компанияси Германиянинг "Audi", "BMW" ва "Daimler" автоконцернлари билан ўзининг "HERE" картографик сервисини сотиш борасида келишиб олганини маълум қилди.



қилинади. Ўзаро келишувга кўра, битим келаси йилнинг биринчи чорагида имзоланади ҳамда бундан "Nokia" 2,5 миллиард евро миқдоридa маблағ ишлаб олади.

Унга кўра, ушбу хизмат тури автомобиль ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан 2,8 миллиард еврога харид

қилинади. Ўзаро келишувга кўра, битим келаси йилнинг биринчи чорагида имзоланади ҳамда бундан "Nokia" 2,5 миллиард евро миқдоридa маблағ ишлаб олади.

Юк кемасига ҳужум

Индонезияга нефть олиб келаётган юк кемаси қароқчилар ҳужумига учради.



Воқеа мамлакат фарбидаги Селангор штати соҳилларида содир бўлган. Қароқчилар сув транспорти воситасининг икки нафар экипаж аъзосини жараҳатлаб, минг тоннага яқин нефтни тўкиб юборган.

Манбада ушбу ҳужум нима мақсадда амалга оширилгани изоҳланмаган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

мамлакатимиз аҳолисини Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги билан чин қалбдан муборакбод этади ҳамда миллий валютада янги муддатли омонатлар амалга киритилганини маълум қилади:

«ИСТИҚЛОЛ»

- Сақлаш муддати — 2 ой.
- Ҳисобланган фоизлар бўнак сифатида олдиндан ёки миқдор хоҳишига кўра омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.
- Бошлангич бадал миқдори — 1 000 000 сўм.
- Қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
- Омонатга маблағларни қабул қилиш 2015 йил 17 августдан 1 ноябрга қадар амалга оширилади.

«Даромадли»

- Сақлаш муддати — 1, 2, 3 ва 6 ой.
- Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўланади ва талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация қилинмайди.
- Қўшимча бадаллар қабул қилинади.
- Бошлангич бадал миқдори чегараланмаган.
- Омонатга маблағларни қабул қилиш 2015 йил 17 августдан бекор қилингунга қадар амалга оширилади.

Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни (0-371) 234-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг ўзбекистон филиалидан олиш мумкин.

www.nbu.com Хизматлар лицензияланган.

«VIP REAL ESTATE» МЧЖ аукцион савдоларига таклиф этади.

- 2015 йил 31 август куни соат 12.00 да кўчмас мулк бошлангич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибидa ўтказиладиган очик аукцион савдосига ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2013 йил 14 майдаги 3020-сонли ижро варақасига асосан, Бўстонлик тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, «Чорбоғ» ҚФЙ, «Чорбоғ гўзал боғи» БУШДА жойлашган, фойдаланиш майдони 280,80 кв.м.дан иборат бўлган дала-ҳовли арзонлаштирилган ҳолда қўйилмоқда.
- Бошлангич баҳоси — 1 337 985 361 сўм 8 тийин.
- 2015 йил 15 сентябрь куни соат 12.00 да кўчмас мулк бошлангич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибидa ўтказиладиган очик аукцион савдосига Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан хатланган куйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: ФИБ Тошкент вилояти Зангиота туманларо судининг 2015 йил 10 апрелдаги 1-2096/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Шонгузар» ҚФЙда жойлашган, фойдаланиш майдони 776,0 кв.м.дан иборат, 0001-литердаги майдони 395,18 кв.м.дан иборат кафе биноси, 0002-литердаги майдони 38,01 кв.м.дан гўшт дўкони, 0003-литердаги майдони 64,59 кв.м.дан иборат ёрдамчи бино қўйилмоқда.
- Бошлангич баҳоси — 300 000 000 сўм.
- Аукцион савдосига Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2015 йил 6 мартдаги 11-1432/12875-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Кўксарой» ҚФЙ, Шифобахш сувлар

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.
Телефон: (0-595) 143-0-143. E-mail: info@realtors.uz, www.realtors.uz

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

республика олий таълим муассасалари учун 2015 йилда ўқув адабиётларини чоп этиш бўйича наشريётларни тендерда қатнашишга таклиф этади.

Тендер номи — Республика олий таълим муассасалари учун замонавий ўқув адабиётларини чоп этиш.

Буюртмачи — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази (ОУМКХТРМ).

Манзил: Тошкент шаҳри, 100060, Шахрисабз кўчаси, 42-уй.
Телефонлар: (0-371) 233-34-30, 233-33-08. Факс: (0-371) 233-34-96.

Молиялаштириш: Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Молиявий манбаларнинг энг юқори суммаси — 700 000 000 (етти юз миллион) сўм.

Тўлов шартлари — пул ўтказиш йўли билан. Шартнома қийматининг 15% олдиндан, қолган 85% буюртма бажарилганидан кейин амалга оширилади.

Ишчи орган — «Саноатнефтегазонтажконсалтинг» ШК.

Манзил: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 98-уй.
Тел./факс: (0-371) 280-50-32, 120-40-15.
Нашр этиладиган дарслиklar ва ўқув қўлланмалар 7 та лотга ажратилган ва тендер ҳужжатларида кўрсатилган.

Махсулотни етказиб бериш муддати ва шартлари: олдиндан тўлов амалга оширилганидан сўнг шартномага мувофиқ (60 календарь кундан кўп бўлмаган муддатда) етказиб берилади. Махсулотни давлат стандартлари талаблари ва кўп йиллик хизмат қилиш даражасида сифатли тайёрлашни таъминлаш мақсадида талабгор бир ёки иккита лотда иштирок этиши мумкин.

Мазкур тендер очик турда ўтказилиб, мулкчилик шаклидан қатъи назар, олий таълим муассасалари учун ўқув адабиётларини нашр этиш, сифатли ҳамда баҳоси жиҳатидан маъқул тарзда етказиб бериш имконияти, дарслиklar ва ўқув қўлланмаларини нашр этиш бўйича махсус рухсатнома (лицензия)га ҳамда малакали тажрибага эга бўлган хўжалик субъектлари — юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Тендерда куйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайдилар:

- янги ташкил этилиш (бўлиш, қўшиш ва ҳоказо), тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
- давлат реестрида рўйхатга олинганига олти ой муддатдан кам бўлган;
- мажбурий солиklar бўйича бюджет олдида қарздорлиги мавжуд бўлган;
- вазирлик ва ОУМКХТРМ билан аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;
- вазирлик ва ОУМКХТРМ билан суд ёки арбитраж жараёнларини бошидан кечираётган;
- фаолияти суд ёки ҳакамлик судида муҳокамада кўриб чиқилаётган.

Тендер таклифлари (конвертлар) очилгунга қадар тендер комиссиясининг ишчи органи томонидан тендер савдоларида иштирок этиш истигани билдирган талабгорлар малакавий танлов, яъни саралаш босқичидан ўтказилади. Бунда талабгорлар ишчи органига тендер таклифи билан биргаликда куйидаги ҳужжатлар тўпламини алоҳида тақдим этишлари лозим:

- Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотларининг кичик ёки йиррик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисида давлат солиқ инспекциялари томонидан берилган маълумотнома;
- маҳаллий монополиядан чиқариш, рақобатни ривожлантириш ва табдиркорлиқни қўллаб-қувватлаш органларидан талабгор банкрот ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
- маҳаллий давлат рўйхатида олувчи органлардан талабгорнинг тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
- юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- давлат солиқ инспекцияси ҳамда талабгор ўртасида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги мажбуриятлар бўйича ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган солиштирув далолатномасининг асл нусхаси;
- хизмат кўрсатувчи банк томонидан талабгорнинг ҳисоб рақамидa картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома.

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилиб, тендер эълон қилингандан сўнг олинган бўлиши шарт.

Малака танловининг саралаш босқичи тендер таклифларини қабул қилишнинг охириги санасидан сўнг тендер комиссияси раиси томонидан белгиланган кунда ўтказилиши кўзда тутилади.

Тендер ҳужжатларини олиш учун ОУМКХТРМнинг (ш/х/р: 400110860262737950100079003, СТИР: 201 654 145, ОКОНХ: 92200, Молия вазирлиги Фазначилиги х/р: 23402000300100001010, ХККМ Марказий банк Тошкент шаҳри бош бошқармаси, МФО: 00014, СТИР: 201122919) ҳисоб рақамига ҳар бир лот бўйича 310 000 (уч юз ўн минг) сўм ўтказганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишлари шарт.

Тўлов тўридан-тўғри пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Тендерда қатнашиш таклифлари тўғрисидаги ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 календарь кун ичида (шанба ва яқшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача тендер комиссиясининг ишчи органига ваколатли шахс томонидан топширилиши мумкин.

Тендер савдолари ҳақидаги маълумот Давлат харидлари портали (xarid.uz)да ёритилган.

Тендерда қатнашиш бўйича белгиланган тартибда қайтариладиган закалат миқдори (хар бир лот бўйича алоҳида) 1 500 000 (бир миллион беш юз минг) сўм ОУМКХТРМнинг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан тўланиши шарт. Закалат суммаси билан бириктирилмаган тендер таклифлари тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Тендер таклифлари (конверт)ни кўриб чиқиш санаси ва жойи тендер комиссияси томонидан белгиланади. Бу ҳақда ишчи орган талабгорга ёзма хабар беради.

Тендер таклифлари (конверт) очилишида талабгорларнинг ишончли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Ўқув адабиётларини чоп этиш Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология нazorати маркази санитария-гигиена талаблари, шунингдек, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган шартларга мувофиқ бажарилиши шарт.

Матбаа талаблари тендер ҳужжатларида келтирилган.

Саноат чиқиндиларидан сифатли маҳсулот

Ургут туманидаги "Urgut — China cartons" МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида саноат чиқиндиларидан маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилди.

ИЗЛАНИШ

Бу ерда иккиламчи қоғоздан озиқ-овқат, мевани қайта ишлаш ҳамда пойабзал корхоналари учун турли ҳажмдаги қадоқлаш ва ўров қутилари ишлаб чиқарилапти.

— 40 нафар ёш меҳнат қилаётган корхонамиздаги асбоб-ускуналар Инвестиция дастурига асосан, Хитойдан харид қилинди, — дейди жамият раҳбари Ж. Худойкулов. — Хом ашё Самарқанд шаҳри, Бухоро, Қашқадарь вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан келтириляпти.

Айни дамда корхона фаолиятини кенгайтириш чоралари кўриломқда.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚўМИТАЛARI VA ИДORALLAP TOMONIDAN ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РўЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ Тўғрисида 2015 йил 1 августдан 7 августгача бўлган маълумотни маълум қилади.

- 1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**
 - 1. «Ўзбекино» миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2015 йил 21 июлдаги 137, 67-сонли «Йиллик ишлаб чиқариш ҳажмларини шакллантириш, молиялаштириш ҳамда ажратилган маблағлар мақсади ва самарали сарфланишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомага ўзгариштирил киритиш ҳақида»-ги қарори.
 - 2015 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1385-2 (2015 йил 10 ноябрдан кучга кирди).
 - 2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2015 йил 22 июлдаги 19/7-сонли «Банклар ва уларга алоқадор шахслар ўртасида ўтказиладиган операциялар тўғрисидаги низо, шунингдек, унга қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»-ги қарори.
 - 2015 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 556-2 (2015 йил 10 ноябрдан кучга кирди).
 - 3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2015 йил 22 июлдаги 19/15-сонли «Банка алоқадор шахслар билан тузиладиган битимлар тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»-ги қарори.
 - 2015 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2706 (2015 йил 10 ноябрдан кучга кирди).
 - 4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2015 йил 22 июлдаги 19/18-сонли «Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дaлхoл қарз олувчилар гуруҳига тавakkalчиликнинг энг кўп миқдори тўғрисидаги низо, шунингдек, унга ўзгариштириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»-ги қарори.
 - 2015 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 557-8 (2015 йил 10 ноябрдан кучга кирди).
 - 5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2015 йил 22 июлдаги 19/16-сонли «Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дaлхoл қарз олувчилар гуруҳи учун тавakkalчиликнинг энг
- кўп миқдорлари тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»-ги қарори.
- 2015 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2707 (2015 йил 10 ноябрдан кучга кирди).
6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2015 йил 22 июлдаги 19/13-сонли «Тижорат банкларини фаолиятда юзага келадиган ҳужжатларнинг сақланиш муддатлари рўйхатини қўллаш бўйича кўрсатмага ўзгариштирил киритиш ҳақида»-ги қарори.
- 2015 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 951-5 (2015 йил 10 августдан кучга кирди).
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси хузуридаги Қўммати қoғoзлар бoзoрини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2015 йил 30 июлдаги 2015-07-сонли «Қўммати қoғoзлар билан операцияларни амалга ошириш учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация)дан ўтказиш тўғрисидаги низомага ўзгариштирил киритиш тўғрисида»-ги буйруғи.
- 2015 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 660-6 (2015 йил 10 августдан кучга кирди).
8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2015 йил 22 июлдаги 19/12-сонли «Тижорат банкларидa қўммати қoғoзлар билан амалга оширилмаган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномага ўзгариштирил киритиш ҳақида»-ги қарори.
- 2015 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1885-1 (2015 йил 10 августдан кучга кирди).
9. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг 2015 йил 6 августдаги 262-мқ-сонли «Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа давлат ташкилотлари юридик хизматлари ходимларининг адлия органларида стажировка ўташ тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»-ги буйруғи.
- 2015 йил 6 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2708 (2015 йил 10 августдан кучга кирди).

«Тинч ва фаровон юртингиздан олган таассуротларимизни ҳеч қачон унутиб бўлмайди»



Миллионлаб санъат шайдолари орзиқиб кутадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бу йил ўнинчи бор ўтказилади. Айни пайтда қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқандда ушбу байрамга қизғин ҳозирлик кўриляпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар икки йилда уюштирилаётган мазкур мусиқа фестивали миллатлараро тинчлик ҳамда дўстликни мустақамлаш, халқлар ўртасида маданий ҳамжиҳатликни ривожлантиришда ўзига хос

ўрин тутиши билан халқаро миқёсда юксак эътироф этилмоқда. Аввалги «Шарқ тароналари»да қатнашган хонанда ва созандалар билан интернет орқали мулоқот қилганимизда, бу фикрлар яна бир карра ўз исботини топди.

Жя Жинг СИ (Хитой Халқ Республикаси):

— «Шарқ тароналари» фестивали бир олам унутилмас онларни тухфа этган. Муаззам Регистон майдонида ижро қилган «Гўзал ва сеҳрли макон» ҳамда «Харбийлар орасида ҳам кўшиқ янграр» номли тароналаримиз йиғилганларга манзур бўлган эди. Ҳатто, ўшанда мухлислардан бири ёнимизга келиб, «Ажойиб куйладингиз, роҳатланиб тингладик», деганида илҳомимиз янада жўшиб кетганди.

Самарқанднинг осориатикалари барчани ҳайратга солиши ҳақиқат. Биз ҳам ижодий жамоамиз билан ушбу гўзал ва бетакрор обидалар олдида қайта-қайта суратга

тушганмиз. Нақшу нигорлар, миллий хунармандчилик намуналарини кўриб, нақадар буюк тарихга эга эканингиз, халқингиз салоҳияти юксаклигига амин бўлган эдик. Бундай қадимий, мафтункор шаҳарлар Ер юзиде санокли. Хитойликлар юртингизни, Ўзбекистон ахлини хурмат қилишади. Чунки биз ўзаро дўст халқлармиз.

Гунарс ИГАУНИС, «Игауни гимене» оилавий гуруҳи созандаси (Латвия):

— Тинч ва фаровон юртингиздан олган таассуротларимизни ҳеч қачон унутиб бўлмайди.

Ушанда фестивалга келишдан аввал Тошкентни томоша қилгандик. Пойтахтингиз

гўзал, жозибадор ва асосийси, бетакрор шаҳар экан.

Сафаримизнинг иккинчи кунинда Самарқанддаги «Сўғдиёна», «Ёшлик» каби истироҳат боғларида, Самарқанд ҳамда Пастдарғом туманларида анжуман қатнашчилари иштирокида концерт дастурлари намойиш қилдик. Ҳар бир халқнинг ўзига хос миллий урф-одат ва анъаналарини тараннум этувчи куй-қўшиқлар томошабинлар қалбига чексиз кувонч бағишлаганди. Одамларингизнинг санъатга бўлган меҳр-муҳаббати, самимийлиги бизда ҳавас уйғотган эди.

Ким Кинг ХИ (Жанубий Корея):

— «Шарқ тароналари»нинг нуфузи ва аҳамияти, Самарқанднинг бетакрор гўзаллиги ҳамда тарихий обидалари ҳақида ҳамюртларимга доим сўзлаб бераман. Кўлаб танишларим ўзбек халқининг бағрикенг, меҳмондўст ва санъатсевар эканлигига ҳавас қилиб, юртингизга сайёҳ сифатида бир неча марта бориб келишди.

Бундан ташқари, миллий санъатини дунёга намойиш қилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ўзбекистонликларни Мустақилликнинг 24 йиллик шодёниси билан чин қалбидан табриқлайман.

Понаётис КИПРНО (Кипр):

— «Шарқ тароналари»нинг шуқуқи, файзи бошқа санъат байрамларига қиёслаганда, анча юқори ўринда туради.

Фестиваль баҳонасида қадимий ва навқирон Самарқанд, унинг обидаларини кўриш, ўзбек халқининг бой мусиқа маданияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлганимдан хурсандман. Санъат анжуманида янграган тароналар эса ҳар бир кишининг миллий анъана ва қадриятларга хурматини оширади, эзгуликка, ҳамжиҳатликка чоғлайди.

Пол МАКБЭЙРЛИ (Буюк Британия):

— Самарқанддаги зиёратгоҳлар ва музейларни томоша қилиш асносида

кўлаб маълумотларга эга бўлганман. Юртингизда мусиқа санъати чуқур тарихий илдишларга эга экан. Буни Амир Темур барпо этган боғ ва саройларда дунёнинг турли бурчакларидан жам бўлган етук санъаткорлар, олимлар иштирокида мусиқа анжуманлари ўтказиб келинганидан ҳам билса бўлади. Ўзбек халқи ана шу анъаналарни давом эттириб, миллий санъатини дунёга намойиш қилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ўзбекистонликларни Мустақилликнинг 24 йиллик шодёниси билан чин қалбидан табриқлайман.

Юнус Ажи АБУБАКАР (Малайзия):

— Бизнинг юртимизда Ўзбекистонга қизиқиш, интилиш жуда катта. Бундай санъат анжуманлари халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни мустақамлашга хизмат қилади. Биз ушбу заминда ажодлар меросини асраб-авайлаш, тарихни ўрганиш, санъат ва маданиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганига амин бўлгандик. Фестиваль дастури ҳажонли ва унутилмас таассуротларга бой ўтганди. Айтишим мумкинки, «Шарқ тароналари» Самарқанднинг шухратига муносиб фестиваль экан.

«Халқ сўзи» мухбири Омонулла ФАЙЗИЕВ ёзиб олди.

ФАХР

Жанубий Кореянинг Сувон шахрида шахмат бўйича 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон вакиллари муносиб иштирок этди.



Ёш шахматчиларимиз муносиб қатнашди

Жумладан, ўн ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида ҳамюртимиз Жавоҳир Синдоров тўққиз имкониятдан 8,5 очко жамғариб, олтин медални кўлга киритди. Ун тўрт ёшгача бўлган ўғил болалар мусобақасида эса Нодирбек Ёқуббоев бронза медал билан тақдирланди. У тўққиз беллашувда 7 очко тўплади.

Осиё чемпионати доирасида ташкил этилган рапид ва блиц шахмат бўйича «World Youth Mind Sports Fair» халқаро турнирида ҳам вакилларимиз истеъдод ҳамда маҳорат бобида ҳеч кимдан кам эмасликларини яна бир

карра исботлашди. Хусусан, рапид йўналиши бўйича ўн ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида Жавоҳир Синдоров етти партиядан 6 очко тўплаб, ғолибликка эришди. Худди шу йўналишда саккиз ёшлилар ўртасида Ислоббек Синдоров етти имкониятдан 6,5 очко жамғариб, олтин медални кўлга киритди. Яна бир ҳамюртимиз Нилуфар Ёқуббоева эса ўн олти ёшгача бўлган қизлар ўртасида рапид шахмат бўйича беш очко тўплаган ҳолда, учинчи ўрнини эгаллади.

Фозилдин АБИЛОВ.

«Олтин водий» — эл хизматида

Анджон вилоятининг Хўжабод туманида «Олтин водий» маданият ва аҳоли дам олиш маркази иш бошлади.

Капитал реконструкция қилиниб, кўркам санъат ошёнига айланган ушбу марказда аҳоли, айниқса, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилган. Унда ўнга яқин тўрақлар фаолияти йўлга қўйилди.

Марказнинг очилиш маросимида қишлоқ ҳўжалиги савдо-ярмаркаси ҳамда хунармандчилик буюмлари кўргазмаси ташкил этилди.

Элмурод ЭРМАТОВ.

КУЛАЙЛИК

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MCH

хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги фуқароларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида ташкил этилаётган оммавий савдоларга таклиф этади. Сиз савдолардаги мавжуд давлатга тегишли ҳамда

юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектлари, уларга нисбатан ҳуқуқлар бўйича маълумотларни www.1kms.uz сайти орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

Телефонлар: (0-371) 228-84-48, 200-10-01. Факс: (0-371) 228-80-24.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MCH

Қорақалпоғистон Республикаси Бoш филиали

бошланғич баҳоси бoсқичма-бoсқич oшиб бoриш тартибидa ўтказиладиغان oчиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси КеҒейли тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича КеҒейли тумани судининг 2013 йил 4 декабрдаги 2-сонли ижро варақасига асосан хатланган, КеҒейли тумани, «Қизил уй» ОФЙда жойлашган, умумий майдони 5,2 гектар бўлган 2 қаватли қолбаса ишлаб чиқариш цехи биноси ва ундаги жиҳозлар мулкый мажмуа сифатида такроран кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 826 936 355 сўм.

2. Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жиноят ишлари бўйича Олий судининг 2014 йил 17 сентябрдаги 1-ОХ-293/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Нукус шаҳри, «Аланияз Қаҳрамон» МФЙ худудидаги лойиҳадаги кўча, рақамсиз уйда жойлашган, умумий майдони 226,00 кв.м.

бўлган, 2014 йилда қурилган, коттеж типидagi 2 қаватли тураржой биноси такроран кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 240 388 726 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 26 август куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2015 йил 24 август куни соат 18.00. Мазкур бино 2015 йил 26 август куни сотилимай қолган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдоси 2015 йил 11 сентябрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади.

2015 йил 11 сентябрь куни бўлиб ўтадиган аукцион савдосига аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2015 йил 9 сентябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Kochmas Mulk Savdo Xizmati» MCH Қорақалпоғистон Республикаси Бoш филиалининг АТ «Турон» банки Нукус филиалидаги куйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиغان манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават.
Телефон: (0-361) 222-84-44. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MCH

Самарқанд вилояти филиали

бошланғич баҳоси бoсқичма-бoсқич oшиб бoриш тартибидa ўтказиладиغان oчиқ аукцион савдосига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Самарқанд тумани судининг 2014 йил 1 майдаги 1-79-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Фирдавсий кўчаси, 81-уйда жойлашган, «Samarqand» очиқ акциядорлик тижорат банкига тегишли, қурилиш ости майдони 1647,32 кв.м. бўлган маданият уйи, клуб ва гараж биноси 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда такроран кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 4 055 281 011 сўм.

2. Аукцион савдосига Суд департаменти Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Самарқанд тумани судининг 2014 йил 1 майдаги 1-79-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 54-уйда жойлашган, «Samarqand» очиқ акциядорлик тижорат банкига тегишли, қурилиш ости майдони 248 кв.м., фойдаланиш майдони 402,88 кв.м. бўлган маиший хизмат кўрсатиш уйи биноси 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда такроран кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 985 951 192 сўм.

3. Аукцион савдосига Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор

тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Каттақўрғон шаҳри, Туркiston кўчаси, 41-«А» уйда жойлашган, «Каттақўрғон-ғишт Шоҳжаҳон» хусусий корхонасига тегишли, қурилиш ости майдони 18943,72 кв.м. бўлган ғишт заводи биноси такроран кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 948 447 448 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 14 сентябрь куни соат 11.00 да «Kochmas Mulk Savdo Xizmati» MCH Самарқанд вилояти филиалининг аукцион залида ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2015 йил 11 сентябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Kochmas Mulk Savdo Xizmati» MCH Самарқанд вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» «Кўксарой» филиалидаги куйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Махмуд Қошғарий кўчаси, 58-уй. Телефон: (0-366) 233-80-56.
www.1kms.uz. rieltstavdo@inbox.uz

Хизматлар лицензияланган.



TURON BANK

Барқарорлик белшеи!

STANDARD & POOR'S

халқаро рейтинг агентлиги 2015 йилда

«ТУРОНБАНК»

акциядорлик тижорат банкининг кредит рейтингини

«БАРҚАРОР»

истиқболли билан тасдиқлади.

www.turonbank.uz Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан руйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 74 403 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.50 Топширилди — 21.35 1 2 3 4 5